

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 3 март, Сешанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 43 (11.354)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Утган йили Қорақалпоғистон Республикасида 4579 та касаначилик иш ўринлари яратилди. Айниқса, Нукус ва Тахياتош шаҳарларида, Тўртқўл, Эллиққалъа, Беруний, Амурдарё, Чимбой, Кегайли туманларида бу борада ибратли ишлар амалга оширилди.

● Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ва Термиз Давлат университетида Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан тадбирлар ўтказилди.

● Самарқанд шаҳридаги концерт залида «Диний экстремизм ва миссионерлик — барқарорликка таҳдид» мавзuida республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Унда диний ақидапарастлик ва миссионерлик синга-ри бузғунчи ҳаракатлар жамиятимизга ёт иллатлар эканлиги, ёшларга уларнинг салбий оқибатларини тушунтириш ва олдини олиш хусусида сўз юритилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида V аънавий шахмат турнири бўлиб ўтди. Республика Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси ва Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган ушбу мусобақада Россия, Хиндистон, Украина, Туркия, Индонезия, Италия, Латвия, Руминия, Эрон, Афғонистон, Қозғистон давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда БМТ ва ШХТдан 30 дан ортиқ хаваскор шахматчи дона сурди.

● Тошкент вилояти Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Генгаши ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вилоят Генгаши ҳамкорлигида Бекобод шаҳрида «Қишлоқдаги бегойим» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг туман ва қишлоқларида турли соҳаларда фалоллик кўрсатаётган юздан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

● Данғара туманидаги Қум-қияли қишлоқда «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида замонавий жихозлар билан таъминланган врачлик пункти иш бошлади. Бу ерда кундузги стационар, эмлаш, гинекология, стоматология ва муолажа хоналари аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Янги шифо масканининг қурилишида ҳудуддаги «Тараққиёт» фермер ҳўжалигининг ҳиссаси катта бўлди.

● Фарғона вилояти Оқунобобов туманидаги марказий маданият уйида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ҳамкорлигида ёшларни иш билан таъминлаш, одам савдосининг олдини олиш мавзуйидаги тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ташкил этилган «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» ярмарка-фестивалида маҳаллий хунарсундлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

● Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Испанияга давлат ташрифининг иккинчи кунинда президент Испания Бош вазири Хосе Сапатеро билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан музокаралар олиб борди. Шунингдек, Россия Президентига Мадрид шаҳрининг рамзий калити топширилди.

● Кеча Пекинда Хитой халқ сиёсий кенгаши Бутунхитой кўмитасининг сессияси оқилди.

● Кеча Куба Давлат кенгаши ва Вазирлар Маҳкамаси раиси Раул Кастро ҳукуматнинг бир неча аъзосини истеъфого чиқарди.

● Кеча АҚШ Президенти Барак Обама Канзас штати губернатори К.Сибилусни Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазири вазифасига тайинлади.

● Ироқнинг Хавфсизлик ходимлари «Ал-Қоида»нинг маҳаллий бўлинимасига кирувчи 11 нафар террорчани ҳибсга олишга муваффақ бўлишди. Террорчилар мамлакатнинг шимолий-шарқида жойлашган Дибёл вилоятида ўтказилган ҳарбий амалиётлар пайтида қўлга олинди. Уларнинг орасида Ал-Қоида-нинг Ироқдаги «нефт вазири» Али Маҳмуд Муҳаммад ҳам бор.

● АҚШ Президенти Барак Обама Ироқдаги ҳарбий амалиётлар масаласида ўз стратегик режаларини эълон қилди. Шимолий Каролинадаги ҳарбий базада сўзлаган нутқидан президент 146 минг нафардан иборат америкалик ҳарбийлар 2010 йилнинг 31 августига қадар Ироқдан олиб чиқиш кетилиши хусусида атрафлича тўхтади. Бу ҳарбийларнинг Ироқнинг тарқ этиши юзасидан президент сайловоди кампаниясида ваъда қилган муттаддат 3 ойга кечикади, деганидир.

● Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида ўтказилган анжуманда донор мамлакатлар исроилликлар ҳужуми натижасида жиддий зарар кўрган Ҳазо секторини икки йил давомида тиклаш учун 4 миллиард 480 миллион сўмлик ёрдам кўрсатажаклигини билдирди.

● Гаагада Ливаннинг собиқ бош вазири Рафик Ҳарирининг ўлдрилиши юзасидан суд жараёни бошланди. Маълумотларга қараганда, ишда айбдор сифатида иштирок этаётганлар орасида 4 нафар ҳарбий генерал ҳам бор.

● Гвинея-Бисауда давом этаётган тартибсизликлар давомида кеча исёнчилар томонидан мамлакат президенти ва ҳарбий кучлар штаби бошлиғи ўлдирилди. Шу муносабат билан мамлакатда ҳукумат томонидан етти кунлик мамат эълон қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН ҚЎШМА БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан 24-25 февраль кунлари Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Давлат бошлиқлари дўстона ва ҳамжиҳатлик руҳида музокаралар ўтказдилар, сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар, Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларини янада ривожлантириш йўлларини белгилادилар. Тўмонлар бир-бирини қизиқтирадиган долзарб ҳалқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилдилар.

Президентлар олий даражада эришилган икки томонлама келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва гуманитар ҳамкорликнинг турли соҳаларида ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам негиз яратганини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида мустаҳкам қўшничилик ва дўстона алоқалар мавжудлиги, давлатлараро муносабатлар ҳам соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани тасдиқланди. Икки қардош давлатнинг эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро баҳамжиҳат ҳаракат механизмининг ривожлантиришга интилаётганини қайд қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб, Президентлар бу соҳадаги ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга эканини таъкидладилар ҳамда тенг ҳуқуқлилик ва тўмонлар манфаатларини ҳурмат қилиш принциплари асосидаги ўзаро манфаатли шериклини ривожлантиришга интилишларини изҳор қилдилар.

Давлат бошлиқлари мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтиришга Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг сифатли бажарилиши хизмат қилишини таъкидладилар.

Президентлар савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссиясининг 12-13 февраль кунлари бўлиб ўтган мажлиси якуналаридан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Тўмонлар ўзаро савдо ҳамжамининг муттасил ўсиб бораётганини қайд қилдилар. Қўшма комиссиянинг транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги ҳам-корлигини фаоллаштиришга қаратилган қарорларини амалда бажаришга ўзаро тайёр эканликларни тасдиқладилар. Тошкентда Туркменистон Миллий кўргазмаси ўтказилишининг муҳимлиги қайд қилинди.

Президентлар маданият, санъат, туризм, спорт соҳаларидаги алоқаларни чуқурлаштириш ва фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини тасдиқладилар. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги маънавий ва гуманитар алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлашга содиқлик изҳор қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон мавжуд ҳуқуқий пойдеворга таяниши ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркменистон ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2008-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг самарали бажарилишини таъминлаши мумкин. 2007 ва 2009 йилларда икки давлат пойтахтларида биргаликда ўтказилган концертлар икки халқ маданияти яқинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Долзарб халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг ҳам, Туркменистоннинг ҳам минтақа ва халқаро микёсда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлигини мустаҳкамлашга қўмақлашиш истаклари борлиги таъкидланди. Президентлар жаҳон ҳамжамияти мақсадлар умумийлигини англаш, ҳозирги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш зарурлигини тушуниб етиши, бу йўналишда амалий ишлар қилишга тайёр бўлиши бугун халқаро муносабатларнинг барча тизимларини собиқтада ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланишини қайд қилдилар.

Тўмонлар Афғонистонда мумкин қадар тезроқ тинчлик ўрнатиш ва вазиятни барқарорлаштириш му-

ҳимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга улар икки мамлакатнинг Афғонистон масалалари бўйича халқаро ташкилотлар иштирокидаги музокаралар жараёнини фаоллаштиришга қаратилган самарали механизмлар яратиш бўйича ташаббуслари муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг Марказий Осиёда кенг доирадаги трансшегаравий таҳдидларга қарши — терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши кураш соҳасидаги манфаатлари бир хилдир.

Президентлар Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларини муҳокама қилдилар. Бу масалалар минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда халқаро ҳуқуқнинг умумэйтироф этилган нормалари ва принциплари асосла-ниб ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида қўриб чиқилиши лозимлиги қайд қилинди. Шу билан бирга трансшегаравий дарёлар манбалари ҳажмининг пасайишига йўл қўймаслик, шунингдек, манфаатдор тўмонлар билан трансшегаравий дарёларда гидроренергетик лойиҳаларни амалга оширишда ошқоралик ва ҳабардорлик принциплари асосида мустақил халқаро техникавий-иқтисодий ва экологик экспертизалар ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Музокаралар асосида фақат давлатларнинг бир-галликдаги уринишлари, уларнинг глобал тараққётнинг энг муҳим масалаларига нисбатан келишилган принциплар ва ёндашишларга содиқлиги жаҳон ҳамжамиятига ушбу масалаларни самарали ҳал қилиш усулларини топиш имконини бериши қайд қилинди. Бу тўла равишда энергия манбаларини транспортроққа қилишда энергетика хавфсизлигининг глобал тизимини шакллантиришга ҳам тегишлидир.

Давлат бошлиқлари БМТ Бош Ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда Туркменистон ташаббуси билан қабул қилинган «Энергия манбаларининг ишончли ва барқарор транзити ва унинг халқаро ҳамкорликини огишмай ривожлантиришни таъминлашдаги роли» номли резолюцияси ва ундаги 2009 йилда Ашхободада энергия манбаларини жаҳон бозорларига транспортроққа қилиш масалаларини муҳокама этиш учун халқаро конференция ўтказишга берилган мандатнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўз табиий газ захираларининг дунё бозорларига чиқиш маршрутларини диверсификация қилиш билан боғлиқ масалаларни биргаликда ўрганишдан манфаатдор эканликларини изҳор қилдилар.

Президентлар бир-бирини қизиқтирадиган икки томонлама ва кўп томонлама масала ва муаммолар бўйича мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказиб туришни мақсадга мувофиқ деб билладилар. Шу маънода халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш масалалари, шунингдек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ёқилги-энергетика, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорлик каби энг долзарб иқтисодий масалалар, маданий-гуманитар ва бошқа бир-бирини қизиқтирадиган соҳаларда ҳамкорлик масалалари устувор ҳисобланади. Икки томонлама маслаҳатлашувлар турли даражаларда ўтказилди. Жумладан, давлат раҳбарлари, икки мамлакатнинг вазирилик ва идоралари раҳбарлари даражасида, расмий делегациялар ташрифи раҳида.


Президентлар тарихан шаклланган алоқаларга асосланган Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари юқори, сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон халқларининг тўб манфаатларига, уларнинг фаровонлигини оширишга жавоб берадиган дўстлик ва ўзаро англашув руҳида тўла равишда мос келишига ишонч билдирдилар.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга, бутун ўзбек халқига Туркменистон делегациясига кўрсатилган самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ўзи учун қулай вақтда Туркменистонга расмий ташриф буюришни таклиф қилди. Ташриф мuddати дипломатик каналлар орқали келишилди.

БУГУНГИ КУНДА
ПОЙТАХТНИНГ
МУТТАШАМ
ИМОРАТЛАР,
РАВОН ЙЎЛЛАР,
МУСТАҲКАМ
КЎПРИКЛАР БИЛАН
БИР ҚАТОРДА
ЗАМОНАВИЙ ТУРАР
ЖОЙ БИНОЛАРИ ҲАМ
ҚАД
РОСТАМОҚДАКИ, БУ
ШАҲРИМИЗ КЎЧА ВА
МАВЗЕЛАРИ КЎРКИНИ
ОШИРИБ, АҲОЛИНИНГ
ТАЛАБЛАРИНИ
ҚАНДИРИШДА МУҲИМ
АҲАМИЯТ КАСБ
ЭТМОҚДА.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар



Бунёдкорлик майдонларида ЗАМОНАВИЙ ТУРАР ЖОЙ БИНОСИ ҚУРИЛМОҚДА

Бу борада, албатта, уларни замон талабларига мос бунёд этилишида муносиб ҳисса қўшаётган изланувчан лойиҳачи, маҳоратли меъмор ҳамда толмас қўли бунёдкорларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидламоқчи. Шаҳримизда бир неча йилдан бунён фаолият кўрсатаётган «Аспект қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида ҳам 100 нафарга яқин турли хўнар эгаларини жалмаган маҳоратли бунёдкорлар меҳнат қилишади. Шу боис ҳам улар пойтахтимиздаги қурилиш майдонларида ўз вазифаларини сиқидишдан урдашмоқда, бунёдкорлик ишларида янги технологияларни қўллаган ҳолда самарали фаолият кўрсатиб, сифатта алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айни кунларда улар томонидан бунёд этилаётган шаҳримизнинг Моштаб бунёдкорлик 7 қаватли замонавий турар жой биноси «Габус қурилиш инвестицион фирмаси» буюртмаси асосида қад рўстламоқда. Мазкур бунёдкорлик лойиҳасини «Тош-гипрогор» очик акциядорлик жамияти ҳамда оқоридидаги фирмага қарашли «Архплан» мутахассислари яраттишган.

— Ҳозирги кунда уй-йўри қурилишида сантехника ва пардозлаш ишларини муваффақиятли амалга ошириш учун 30 нафарга яқин ишчи-хизматчи жалб этилган. — дейди участка бошлиғи Бобур Ҳамроев. — Унинг қурилиш-тиклаш ишларини муваффақиятли урдалаб, сифатли ва чидамли, рақобатбардор бунёдкорлик ашёларидан фойдаландик. Мазкур қурилиш ашёлари-

нинг асосий қисми маҳаллий корхоналарда тайёрланган билан эътиборлидир. Улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Қуриб бектазилиши арасида турган ушбу турар жой биноси 4 ва 5 хонали бўлиб 16 та хонадон аҳлига мўлжалланган. Уларда яшовчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Шинам ошхона, баҳаю айвон, 2 та сантехника узели яшовчиларга алоҳида қулайликлардан саналади.

Шу ўринда айтиш лозимки, унинг 4 хоналиси 170 квадрат метр, 5 хоналиси эса 210 квадрат метрни ташкил этади. Бунёдкор ерўстидида эса автомобилларни сақлаш учун махсус жой ҳам бунёд этилмоқда. Барча юмушларни ўз вазифаларидан келиб чиқиб муваффақиятли урда-далашда Баҳром Ҳамдамов, Илхом Мухамедов, Абдулла Очиллов сингари бунёдкорлар ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда.

Тез кунларда бу ерда ободонлаштириш ишлари ҳам бошлаб ўжорилди. Албатта, замон талаблари асосида қурилган кўркам бино 16 та оила аъзоларини мамнун этиши борабарда қурувчиларнинг пойтахтимиз қўлуг тўйига, яъни азим Тошкентимизнинг 2200 йиллигига муносиб совғаси бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: замонавий турар жой биносининг айти пайтахтдаги қўрилиши ва қурилиш майдонидан ғайрат кўрсатаётган бунёдкорлар.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар

Кеча сатрларда

● **БУГУН** Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусикали драма театрида ўтказилган ижтимоий роликларнинг тақдими маросими Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ тараққиёт-тўқнаш фаол аёллар, ёшлар, санъаткорлар иштирокида ўштирилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида бастакор Фаттоҳ Назаров ижодида бағишлаб санъаткорлар ва санъат шинавандалари иштирокида

ижодий кеча ўштирилди.

● **БУГУН** Миробод туманида туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Фафур Фулом номидаги маданият уйи ҳамкорликларида Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишлаб ўтказилган тадбирда фаол аёллар, ёшлар, санъаткорлар иштирокида ўштирилди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЕИҲ Юнусобод тумани бўлимлари ҳамкорликларида туман фаоллари, маҳалла аъзолари, аёллар ва ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 февраль

Туркменистон Президенти
Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ БАЁНОТЛАРИГА БИЛДИРИЛАЁТГАН МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

Минтақа ҳамда дунё оммавий ахборот воситалари, хорижий эксперт ва сиёсатшунослар президентлар Ислам Каримов ҳамда Гурбангули Бердимухамедовнинг Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида гидроэнергетика иншоотларини барпо этиш масаласи юзасидан берган баёнотларини кенг шарҳламоқда.

Жумладан, «Қазахстан сегунда» ахборот агентлигининг таъкидлашича, 24-25 февраль кунлари бўлиб ўтган Туркменистон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Ислам Каримов ҳамда Гурбангули Бердимухамедов матбуот анжумани ўтказиб, Амударё ҳамда Сирдарёнинг чегаралараро сув артерияларида жойлашган Тожикистон ҳудудидаги Рогун ГЭСи ҳамда Қирғизистон ҳудудидаги Қамбарота ГЭСини халқаро экспертиза ўтказмасдан туриб, барпо

этишга қаршиллик билдирди.

«Азия-плюс» ахборот агентлиги (Тожикистон) Ислам Каримовнинг минтақадаги сув-энергетика масалаларини ҳақдан ташқари сиёсийлаштирмастик ва уни фақатгина «бўлиб оқор» ва ҳўмонлик қил» тамойили амал қиладиган муаммага айлантмаслик кераклиги тўғрисидаги фикрига ургу беради. Бунга Марказий Осиё давлатлари йўл қўймасликлари керак.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги гидро-энергетика лойиҳаларида иштирок этишга тайёр эканини таъкидлаган ҳолда, Ислон Каримов ҳолисона халқаро эксперт-таълим ўқув курсининг қайд этди. Ўзбекистон раҳбари иккинчи оддий саволга жавоб олишни хоҳлайди: мазкур йирик гидроэлектростанциялар барпо этилгандан сўнг чегаралараро дарёлларнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларга борадиган сув ҳажми қандай бўлади?...

«Амударё» ахборот агентлиги (Тожикистон) икки давлат раҳбарларининг сўзларини шарҳлаб, шундай ёзади: «Президент Ислон Каримов минтақанинг икки йирик дарёси — Амударё ва Сирдарё бутун Урта Осиёни ҳамда Қозғистоннинг бир қисmini сув билан таъминлашга урув берди. Бу ерда гап сув ресурсларини тақсимлашга яна бир аралашув ҳақида кетмоқда. Совет даврида «буёк» сув омборлари, «буёк» ГЭСлар етарлича барпо этилган. Бунинг салбий оқибатлари эса бутун сезилмоқда».

«Шарқда «Сувсиз ҳаёт йў» деган ибора бор. — Ўзбекистон Президентининг сўзларидан кўчирма келтиради «Авеста». — Шундай экан, биз мазкур муаммоларга янада маъсуллик билан ёндашишимиз керак. Ҳаммаиш йиллар ўтгани билан фойдаланиш, одамларни озик-овқат сайин таъминлаш, аввало, озик-овқат маҳсулотлари олиш мумкин бўлган ер ҳажми қандай бораётганини аниқ англаб туришимиз. Қургокчиликлар, ерларнинг ботқоқланиши, чўллашуви давом этмоқда. Мен бу мавзуга кенг тўхтаганимнинг боиси — сув муаммолари мазкур минтақа мамлакатлари учун нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиши».

«Авеста» Ўзбекистон Президенти муҳокама қилинаётган сув-энергетика лойиҳалари турли ҳулосаларни келтириб чиқараётганига эътибор қаратганини таъкидлайди. «Шундай фикр ҳам борки, у, айниқса, Россиялик сийасатшунослар ва матбуот учун хос. Учраётган баъзи баёнотларга қўра, бу

масала, гўёки, минтақанинг ҳал этиб бўлмайдиган муаммоларидан бири. Унинг моҳияти шундан иборат бўлаётки, минтақада истиқомат қилаётган халқлар ва давлатлар ўзаро келишувга эриша олмайдилар. Шу боис мазкур муаммони ҳал этишда катта ресурсларга эга бўлган учинчи томон иштирок этиши шарт».

Ўзбекистон масалага бундай ёндашиб бўлмайди, деган фикрда. Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Минглаб йиллар давомида бу ҳудудда турли халқлар яшаб келган, умуман бошқа давлатлар мавжуд бўлган ва бу масалалар муваффақиятли тарзда ҳал этиб келинган. Бу масалани минтақанинг ҳал этиб бўлмайдиган муаммоси дейишдан кўндалан мақсад — умуман бошқа», — деб ёзади ахборот маҳкамаси.

кистон Президенти Ислон Каримов Вазирилари Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон томони оқиллик ва манфаатдор томонларнинг ахборот билан тўлиқ таъминланиши таъминлари асосида ҳар томонлама муваффақ халқаро техник-иқтисодий ва экологик экспертиза ўтказилиши шарт билан Тожикистон ва Қирғизистондаги энергетика иншоотларини қуришга инвестиция киритишга тайёрлигини маълум қилгани тўғрисида хабар қилганди.

«Би-би-си мониторинг» икки мамлакат раҳбарларининг матбуот анжуманида билдирган фикрларидан кўчирмалар кел-

лакатларнинг қишлоқ ҳўжалиги зарар қўришидан ҳавотирда. Ушбу масала юзасидан Ислон Каримовнинг Гурбангули Бердимухамедов билан қарашлари мос келиб, томонлар минтақа мамлакатлари мазкур масалаларни биргаликда, муваффақ халқаро эксперт-таълим ўқув курсини мустақамлаш ва ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

«Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг ўз гидро-техник салоҳиятидан фойдаланиш борасидаги ҳар қандай лойиҳалари, жумладан, хорижий маблағ иштирокида Қамбарота 1-ГЭСини барпо этиш, чегаралараро дарёлар оқимининг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги тарихий ҳўқуқини ҳамда уларнинг миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши кераклиги алоҳида таъкидланди, — дейди олим. — Бунда чегаралараро сувлардан оқилона ва адолатли тарзда фойдаланишни сув ҳўқуқи бўйича халқаро конвенциялар талабларига таянган ҳолда таъминлаш лозим».

А. Князев, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорликни аниқ ва лўнда, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини бирдек ва тенг инобатга олган ҳолда изоҳлашга эътибор қаратди. Унинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг ҳар томонлама чуқур ўйланган ёндашуви минтақанинг барча мамлакатлари учун муҳим аҳамият касб этувчи муаммони ҳал қилишнинг ягона тўғри йўлидир. Мазкур жараён иштирокчилари Марказий Осиё мамлакатларидаги йирик сув-энергетика иншоотларини барпо этиш лойиҳаларига учинчи томонни жалб қилиш сув ресурсларини тақсимлаш масаласининг адолатли тарзда ҳал этилишига олиб келмаслиги, аксинча минтақадаги икки ёки ундан ортўқ давлат ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашувига сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрни тушунишлари лозим. «Жалб қилинаётган учинчи томон, минтақа давлатлари эмас, балки, аввало, ўз манфаатларидан келиб чиққини яқши англаб этиш муҳимдир, — деб ҳисоблайди олим.

«Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ БАЁНОТЛАРИГА БИЛДИРИЛАЁТГАН МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

«Evrasia» (АҚШ, Буюк Британия)нинг таъкидлашича, Ислон Каримов чегаралараро дарёлларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда Амударё ва Сирдарёда гидроэнергетика лойиҳаларини амалга ошириш муаммолари ҳақида гапириб, Ўзбекистоннинг бу борадаги ёндашуви аниқ ва равшан эканини айтиб ўтган. «Биз гидроканализация қурилишига мўлжал қарши эмасмиз. Агар бу нафақат икки мамлакат, балки мазкур минтақада жойлашган барча давлатлар манфаатларига жавоб берса, марҳамат, қулинглар. Нега икки йирик дарёнинг суви келиши лозим бўлган жанубдаги халқлар эртага азоб чекиши керак. Буни мазкур мамлакатлар халқларига тушутириб бериш ниҳоятда мушўқул».

«Россиянинг «Регнум» ахборот агентлиги Ўзбекистон билан Туркманистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги қарашлари мос эканини таъкидлаб, Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам Орол денгизи фойдаси мазкур муаммонинг долзарблигини, айниқса, яққол тасдиқлаб туради, деган фикрга қўшилди», — деган сўзларини келтирди.

Илгари «Регнум» ахборот агентлиги Ўзбе-

тириб, Президентлар минтақанинг чегаралараро дарёларида гидроэнергетика иншоотларини барпо этиш борасидаги барча лойиҳаларни халқаро экспертлардан ўтказиш муҳимлигини таъкидлашганини айтиди.

Туркманистон Президенти Ўзбекистоннинг ёндашуви қўллаб-қувватлаб, шундай деди: «Барчамиз ўз мажбуриятларимизни бажаришимиз керак. Туркманистоннинг фикрича, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар, Ислон Абдуғаниевич айтиб ўтганларидек, халқаро ҳўқуқ меъёриларига риоя қилиши керак. Шу боис чегаралараро дарёларнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакат сифатида биз сув ҳажмининг қандайлигини нафақатдор эмасмиз ва бунга қаршимиз. Биз халқаро аудит ўтказилиши тарафдоримиз».

«Немис тўлкини»да Ислон Каримов ҳамда Гурбангули Бердимухамедов сув-энергетика муаммолари, хусусан, Тожикистонда ГЭС қурилиши масаласини муҳокама қилгани қайд этилади. «Тожикистон томонининг сув омборларидан фойдаланишдаги экологик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги баёнотларига қарамай, Ўзбекистон сув тўлланиши оқибатида дарё оқимининг қуйи қисмида жойлашган мам-

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

ДОМО ЭЪЗОЗДАСИЗ, АЗИЗ АЁЛЛАР

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН «СИЗ ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ, АЗИЗ АЁЛЛАР» ДЕК НОМЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Пойтахтимиздаги «Ешлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда олий таълим муассасаларининг ўқитувчи ва мураббийлари, талаба-ёшлар иштирок этди. Тадбирда юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги кенг қўламли ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. «Ешлик» талабалар шахарчасида ҳам хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга алоҳида эъти-

бор қаратилмоқда. Уларнинг меҳнат қилиши, илмий изланиши, саломатлигини мустақамлаш, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. — Мамлакатимизда хотин-қизларга қўрсатилаётган юксак эътибор, яратиб берилаётган имкониятлар бизга кўч ва шижоат бағишлайди, — дейди Мирзо Улўғбек номидagi Ўзбекистон Миллий университетини хотин-қизлар қўмитаси раиси Лазлихон Мухаммаднова. — Бу эса жамиятимизнинг турли жаҳаларида хизмат қилаётган аёлларни бундан қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. «Ешлик» талабалар шахарчасида ҳам хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга алоҳида эъти-

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — АМАЛИЁТГА

Ўқув машғулотларининг очилишида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори Ш.Содиқов Президент Ислон Каримов ташаббуси билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиб бораётган жаҳалларидан бирига айланганини таъкидлади. Анъанавий ва симиш тармоқлар базасида янги технологиялар ҳамда ечимларнинг пайдо бўлиши филиаллар техник директорлари олдида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқларни нафақат техник жиҳатдан ўзлаштириш, балки маркетинг, инвестиция ва инновация соҳаларининг иқтисодий жиҳатларини ҳам пўхта билиш каби долзарб вазифаларни қўймоқда.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал суъратда ривожланиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари базоси таркомлаштирилмоқда, янгилашмоқда ва замонавий ишланмалар, янгиликлар билан тўлдирилмоқда. Яқин вақтда ҳақиқатан йирик дейилган технологиялардан ҳозир барча жойларда кенг фойдаланилмоқда. Мазкур бизнес-тенгнинг ҳам компания техник бўлини раҳбарларини кўн сайин ўзгартириб бораётган телекоммуникация соҳасидаги замонавий бизнес жараёнларини амалга оширишда янги техник-ҳўқуқий, мо-

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ БЎЛИНМАЛАР РАҲБАРЛАРИ УЧУН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БИЗНЕС-ТРЕНИНГДА КОМПАНИЯ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШНИНГ ТЕХНИК, ТАШКИЛИ ВА МОЛИВИЙ ЖИҲАТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. МАШҒУЛОТЛАР «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ЗАМОНАВИЙ МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК МАРКАЗИ БАЗАСИДА ОЛИБ БОРИЛДИ.

лявий-иқтисодий, шунингдек, инновация ҳамда инвестиция жиҳатлари билан таништирилмоқда, бу борадаги билим ва қўникмаларини юксалтиришга қаратилган. Ўқув машғулотининг биринчи қўлида Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилари Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини ўрганиш ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини бажариш бўйича «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси корхоналарининг асосий вазифалари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кейинги машғулотларда «Абонентлар фойдаланадиган кенг полосоли тармоқни ташкил этиш вариантларининг шарҳи» мавзусидаги маърузалар тингланди. Улар Хитойнинг «Huawei» компанияси вакиллари томонидан ўтказилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация

технологиялари мутахассисларининг «NGN ва IMS тармоқларини ташкил этиш стандартлари ҳамда асослари», «Оптик транспорт тармоқларидаги янги технологиялар», «IP/MPLS таянч тармоғи — кенг полосоли мультимедиа хизматларини қўрсатиш базаси», «Ходимларни бошқаришнинг замонавий технологиялари», «Бизнес консалтинг: Телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ва қайд этилган алоқа операторлари даромадларини ошириш йўллари», «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг истикболли йўналишлари», «Инновация, инновация фаолияти — муваффақиятли бизнес гарови» ва бошқа мавзуларга катта қизиқиш уйғотди.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ




Яқинда Юнусобод туманидаги 486-максус мактабга таълим муассасасида «Бозор иқтисодиёти болалар нигоҳида» деб номланган ўқув машғулотини бўлиб ўтди. Тарбиячи Дилдора Мансурхонова дастури асосида ишлаб чиқилган бу ўқув машғулотини жуда қизиқарли ва долзарблиги билан болаларнинг ҳам тарбиячиларда ҳам катта таассурот қолдирди. — Бу ўқув машғулотини биз болаларга бозор иқтисодиёти бўйича содда, аммо тушунарли қилиб тушунарли беришга ҳаракат қилдик, — дейди 486-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Дилдора Мансурхонова. — Уларга таълимий ўйинлар ва қўл меҳнати орқали бозор иқтисодиётини ривожлантириш, бозор ҳамда рекла-

ма ҳақида дастлабки тасавурни беришга ҳаракат қилдик. Болалар он-онда ота-она меҳнати қадрлаш, пешона тери билан топилган маблагнинг қадрига этиш ва пулларни тежаб ишлатиш борасида кенгрок тушуна бердик. Шунингдек, шахаримиздаги мавжуд барча бозорларга бирма-бир тўхталиб ўтдик. Озиқ-овқат бозорлари, буюм ҳамда уй ҳайвонлари сотиладиган бозорларнинг бири-биридан фарқи ва аҳамиятини болаларнинг ўзлари иштирок этган саҳна кўринишлари орқали тасвирлашга ҳаракат қилдик. Мақсадимиз жажжи болаларнинг онг ва тафаккурларида бугунги ҳаётимизнинг барча босқичларини, жумладан бозор иқтисодиётининг турли жаҳалларини теранрок тушутириб беришдан иборат.

Зеро, бугунги кун боласи ҳар т о м о н л а м а солих, билимдон ва интилувчан бўлиб каломга етмоғи жоиздир. Мазкур ўқув дастуридаги кенг қамровли, шу билан бирга оддий тушунарли, фикрлар болаларга қизиқарлилиги билан ижобий таъсир қилди. Жумладан, улар ўз тарбиячилари ёрдамида саҳналарга тўқналовчи савҳат, бозорларда маҳсулотлар сотиш, маҳсулотларни реклама қилиш каби қўллаб саҳна кўринишларини ижро этиб бердилар. Шунинг баробарида сўйимизнинг қиймати ва қадри ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Таълим масканларида БОЛАЖОНЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

БУГУНГИ КУН БОЛАЖОНЛАРИНИНГ ОНГ ВА ТАФАККУРЛАРИ ҲАР ЖИҲАТДАН СОҒЛОМ, ТЕРАН ВА МУШОҲАДИЛИДР. УЛАР БОЛАЖОННИНГ БЕҒУБОР ЛАҲЗАЛАРИНИ ФАҚАТ ҲАҚИҚАТГА БИЛАН НИҒОЗЛАРИ БИЛАН ЭРТАНГИ КУНГА ҲАМ ИШОНЧ ВА ИНТИЛИШ БИЛАН БОҒМОҚДАЛАР.



Бошқа чет мамлакатларнинг пуллари ҳақидаги маълумотлар ҳам болаларнинг катта қизиқиш уйғотди. Савол-жавобларга, саҳна кўринишларини қўй ва қўшиқларга бой тарзда марокли ўтган ўқув машғулотини болаларнинг фикри ҳақида, онгу шуруида ўзгача мазмун ва маъно касб этди. Мактабга таълим муассасаси жамоаси ташаббуси билан ўтказилган машғулот болалар руҳиятида

эртанги кунга нисбатан янада қизиқтириш, интилиш ҳисларини уйғотган бежиз эмас. Зеро, келажак бугундан бошланади, бу жажжи болаларлар эса келажакимизнинг серҳосил, тотли меваларидир. Гўлҳебра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА. 486-максус мактабга таълим муассасасида бўлиб ўтган ўқув машғулотини лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

ПАРИЖДА «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА «АВИЦЕННА-ФРАНЦИЯ» УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎЗБЕКИСТОНДА 2009 ЙИЛНИНГ «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ» ДЕК ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.

Учрашувда «Авиценна-Франция» уюшмаси аъзолари, Франция парламенти, сийёсий ишбилармон ва жамоатчилик доиралари, ЮНЕСКО ва Парижда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари вакиллари иштирок этишди.

Брифинг қатнашчиларига «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурида белгиланган асосий тадбирлар тўғрисида ахборот берилди. Хусусан, юртимизда қишлоқ жойлари инфратузилмасини ривожлантириш, турар жойлар қуриш, қишлоқ аҳолисини табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш, йўллар, транспорт ва коммуникациялар аҳолисини яқшиллаш, қишлоқ ҳаёти ва маданияти даражасини кўтариш масалаларига устувор эътибор қаратилиши таъкидланди.

Шунингдек, қишлоқда ишлаб чиқариш соноати ва қурилиш ривожлантириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан саналиши қайд этилди. Мазкур тадбирларни амалга ошириш эвазига қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳоли даромади ва турмуш фаровонлигини яқшиллашга эришилди.

Алоҳида эътибор қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик харақатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва моливий асосини мустақамлаш, янги имтиёз ва имкониятлар бериш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизими сифатини ва моддий базасини кўнатиришга қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан «Авиценна-Франция» уюшмаси президенти Марк Бонел Президент Ислон Каримовнинг мамлакатдаги ҳар бир янги йилни маълум бир ижтимоий аҳамиятга молик мавзуга бағишлаш ўз вақтида қабул қилинган қарор эканига эътибор қаратди.

— Айни пайтга келиб мазкур сийёсат ўз самарасини бермоқда. Бунга аҳоли фаровонлигини юксалтиришга бағишланган ижтимоий сийёсат муваффақиятли тарзда ҳаётга тadbир этилаётгани яққол далил бўлиб хизмат қилади, — дейди олим. — Ўзбекистон раҳбари томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши аҳолисининг деярли ярми қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода мен Президент Ислон Каримовнинг «қишлоқ аҳолининг ҳаётини замонавий меъзолашга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ривожига риҳож қўиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда» деган фикрига тўлиқ қўшилман.

Марк Бонел шунингдек, аъзоларининг асосий қисми шифкорлар бўлган «Авиценна-Франция» уюшмаси учун қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигини асраш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Шу маънода уюшма Ўзбекистонга ушбу йўналишда амалий ёрдам кўрсатишга тайёр.

Тадбирда сўзга чиққан «Авиценна-Франция» уюшмаси вице президенти, Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Жан-Клод Ришар Ўзбекистонда ўтказган йилларини ҳаммиша илиқлик билан эслашини қайд этди.

«Ўзбек халқи ўзи бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги билан ажрალიб турадики, юртингизга келган ҳар қандай хорижий мамлакатнинг қай бир қисмида бўлмасин ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади, ўзини худди уйдагидек қудай ва хотиржам сезади, — деди у. — Ўзбек халқининг «Меҳмон отангдек улуг» (Ришар жаноблари бу иборани ўзбек тилида айтиб, француз тилида изоҳлаб берди) деган аҳойиб мақоли бор. Ўзбекистонда бўлган ҳар бир хорижий бунга ўзи шахсан амин бўлади.

Ижтимоий сийёсат доими Президент Ислон Каримовнинг диққат марказида бўлиб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, Ўзбекистонда аҳолининг турмуш фаровонлигини яқшиллаш, халқнинг тарихи, маданияти, анъаналари, ёдгорликлари, муқаддас қадамжолар ва бошқа муҳим маҳмуаларни, ўзбек халқининг қадриятлари ва меросини қайта тиклашга устувор аҳамият қаратилган. Мен ушбу ислохотларнинг барчасига ўзим гувоҳ бўлганман. Мисол сифатида шуни айтимоқчиманки, шахсан Президент Ислон Каримов ташаббуси билан янги Нукус музейи қайта тикланиб, янги, замонавий ва гўзал бинодан жой олди. Илгари бу музейдаги асарлар яроқсиз шароитда сақланарди. Бугун эса мазкур музейнинг дунёга донги кетган санъат дурдоналари билан барча, жумладан, хорижий меҳмонлар ҳам бемалол танишиш имкониятига эга.

2009 йилнинг Ўзбекистонда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши мамлакатда муваффақият билан амалга оширилаётган ижтимоий сийёсатнинг муҳим бир қисмидир».

«Авиценна-Франция» уюшмаси аъзоси, Франция транспорт, усқуна, туризм ва денгиз ресурслари вазирлиги туризм бошқармаси собиқ бошлиғи Ф. Пьерининг айтишича, «қишлоқ жойларини ривожлантириш бўйича Францияда тўпланган тажриба шундан далолат берадики, барча минтақаларнинг тенг ва муносиб тарздаги ривожини мамлакат иқтисодиётининг умумий тузилмасига ижобий таъсир кўрсатади. Шу маънода, Ўзбекистонда тасдиқланган Қишлоқ тараққиёти дастури қишлоқдаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар, инженерлик тармоқлари ривожига туртки бериб, бунинг натижасида қишлоқ аҳолисини турмуш даражасининг барқарор ривожини учун шароит яратилади.

Қишлоқ жойлардаги турмуш даражасини юксалтиришнинг самарали усулларидан бири — бу қишлоқ туризмининг ривожлантириш бўлиб, бу орқали қишлоқда янги ишчи ўринларини яратиб, реал даромад олиш, шунингдек, табиат ва атроф-муҳит муҳофазаси учун зарур бўлган маблағларни топиш имкони пайдо бўлади».

Брифинг якунида «Авиценна-Франция» уюшмаси томонидан Ўзбекистондаги манфаатдор ташкилотлар билан қўшма лойиҳаларни, жумладан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастурини амалга ошириш доирасида Франциядаги Софи Жермен лицейи томонидан Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги француз тилига ихтисослашган лицейга ўқув қуроллари етказиб бериш, уюшма қўмағида Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги талабаларнинг Франция олий ўқув юртыда тахсил олишини уюштириш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Уюшма аъзолари 2010 йилда Абу Али Ибн Сино таваллудининг 1030 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказилган анжуман, давра суҳбати ва бошқа тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан амалий ишларни бошлаб юборишди.

«Жаҳон» АА, Париж

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АСОСЛАРИНИ ХАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ МАҚСАДИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР ЯНГИ ЙЎНАЛИШДАГИ 1335 ТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ (127 ТА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР, 1208 ТА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ) ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. БУ, АЛБАТТА ЮРТИМИЗДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР МЕВАСИДИР. УШБУ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА ҲАМОН ҚИЙИШЛАРИНИ КАСБ МАҲОРАТЛАРИНИ ОШИРИШ, ҲАМ МУАССАСАЛАРИНИ ИЛҒОР ИШ ТАЖРИБАЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА ЭСА ТУРЛИ-ТУМАН ТАНЛОВЛАР, ТАДБИРЛАР ҲАМ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА...

Ислохотлар самараси

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Жумладан 2008-2009 ўқув йилида ана шундай хайрли мақсадларни кўзлаб ҳолда республикада илк бор «Касб маҳорати» танловини ўтказиш аъёнани тарзда йўлга қўйилганлиги ҳам фикримиз далилидир. Ушбу танловни мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали қирраларидан бири сифатида тавсифласак хато қилмаган бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, юртимиздаги 300 дан ортиқ касб-хунар коллежларида бугунги кундаги муҳим соҳалардан бири — «Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» таълим йўналиши бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш йўлига қўйилган.

Кунга кеча шахримиздаги Сергели политехника касб-хунар коллежиде касб-хунар коллежлари битирувчи курс ўқувчилари ўртасида «Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» мутахассислиги бўйича «Касб маҳорати» танловининг Республика босқичи ўтказилди.

«Касб маҳорати» танлови шерик васий ва ҳомий ташкилотлар, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда турли йўналишлар бўйича 20 турдаги мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган бўлиб, — деди жумладан танловнинг очилиш маро...

симиде сўзга чиққан Тошкент шаҳар Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов, — кичик мутахассислик касбларини кенг тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг ўзлари танлаган мутахассислиги бўйича касбий кўникма ва малакаларини эгаллашга бўлган қизиқишларини кучайтириш, уларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш, танлаган мутахассислик ва касблари бўйича меҳнат фаолиятига тайёрлаш салоҳиятини янада кучайтириш, таълим муассасалари, ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни бундан-да ривожлантириш мақсадларини кўзлаб ташкил қилинмоқда. Танловда мутасадди ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштироки эса қатнашчилар учун катта имкониятидир.



Шундай қилиб, танловнинг республика босқичида иккинчи босқич натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эришиб, ҳудуд танловида ғолиб чиққан 14 нафар ўқувчилар назарий ва амалий синов бўйича беллашиб, ғолибларни аниқлашди. Бунда назарий синов тест усулида ўтказилган бўлса, амалий синовда қатнашчилар, автомобилни бошқариш, автомобиль аккумуляторини текшириш ва стенд-зарядлаш ҳамда гилдиракларни баланслаш юзасидан ўз...

билим-маҳоратларини намоёиш этишди.

Таъкидлаш керакки, танлов давомида ўқувчилар касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш борасида яратилган замонавий шарт-шароитларнинг натижаси ўларок, юқори маҳоратларини намоён этган ҳолда шартларни қойилмақом қилиб бажаришди. Ниҳоят ҳақамларнинг ҳисоб-китобларидан сўнг 87,3 балл тўплаган Тошкент автотомобил ва йўллар касб-хунар коллежи ўқувчиси Камолитдин Абдуллаев ғолиб деб топилди, махсус диплом ҳамда бош мукофот — телевизор билан тақдирланди. Шунингдек, танловнинг иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам аниқланди, уларга ҳам дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Танловдан олган таассуротларимиз орқали шундай хулосага келдикки, келгусида бундай касб-хунар кўриклари қатнашчилари орасидан қўлаб ўз соҳасининг усталари бўлган етакчи мутахассислар етишиб чиқиб, мамлакатимиз халқ ҳўжалиги тармоқлари ривожига муносиб ҳиссаларини қўшишади.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: Сергели политехника касб-хунар коллежиде бўлиб ўтган «Касб маҳорати» танловининг республика босқичидан лавҳалар



лаши, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали ушбу масалани омма орасида кенг тарғиб этишдан иборат.

Семинарда шунингдек, Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори С.Усмонов ва шу соҳа мутахассислари, сўзга чиқиб, Президентимиз қарори ижросини таъминлаш борасида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ишлар, барчамизни хавотирга солаётган ОИТС касаллигининг олдини олишда нимага аҳамият бериш кераклиги, касалликка қарши чора-тадбирлар ҳақида гапириб, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш нақадар муҳим эканлигини қайд этиб ўтдилар. Тадбир доирасида мавзуга оид «ОИТС — ўлим элчиси» номли филми намоёиш этилди.

Анжуман якунида йиғилиш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан тўлиқ жавоблар олдилар.

Дилорам ИКРОМОВА

Тиббиёт

ТИНИМ БИЛМАС СТАНЦИЯ

ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИГА КЕЧАЮ КҲНДУЗ ХИЗМАТ КўРСАТИБ КЕЛАЁТГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ СТАНЦИЯСИНING БУГУНГИ ФАОЛИЯТИДАН БЕМОРЛАР МАМНУНДИРЛАР. УШБУ СТАНЦИЯ ШАҲРИМИЗНИНГ 2,5 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТМОҚДА.

Бир кеча-кундузда 2 мингдан ортиқ қақирувчи қабул қилиниб, шахримиздаги мавжуд тиббий тез ёрдам бўлимларига тарқатилади. Бу шифобахш марказ замонавий радиоаппаратлар, ихтисослаштирилган транспорт воситалари ҳамда малакали тиббиёт ходимлари билан тўла таъминланган.

Кейинги йилларда станция 85 та тез ёрдам машинасига эга бўлди. Жанубий Корея ҳукумати томонидан тақдим этилган Хундай русумли 14 та транспорт воситасидан ҳам фойдаланилмоқда.

ТЕМИРЎЛЧИЛАР СИҲАТТОҲИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИ КАСАБА УЮШМАСИ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН ТЕМИРЎЛЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИЛМОҚДА. СИҲАТТОҲЛАРДА ДАВОЛАНИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ЙўЛЛАНМАЛАР ҲАМ АЖРАТИЛМОҚДА.

Ўтган йилнинг ўзида депо ишчи-хизматчиларидан 100 нафардан ортиги «Назарбек» ва «Чимён» сиҳатгоҳларида дам олиб, ўз саломатлигини тиклашди. Бу йил эса имтиёзли йўлланмалар учун қўшимча маблағлар ажратилади.

АКАДЕМИК ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Кўзга кўринган олим, академик ЁЛҚИН ТўРАҚУЛОВ ўзидан катта илмий мерос қолдирди. ЭНДОКРИНОЛОГИЯ БўЙИЧА ОЛИБ БОРГАН ТАДҚИҚОТЛАРИ ЎЗБЕК ТИББИЁТ ФАНИНИ ҲАҲОН МИҚЁСИДА ОММАЛАШТИРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТДИ.

Республика эндокринология тиббиёт марказида ўтказилган илмий конференция эса ана шу машҳур фан арбоби хотирасига бағишланди. Анжуманда академикнинг тиббиёт ва биология фанлари соҳасида яратган илмий ишлари ҳам фахр билан тилга олинди.

Ақбар АЛИЕВ

Маданият

МУСИҚАДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОНЛАР БўЛИБ ЕТИШИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. АЙНИҚСА, ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ИСТЕЪДОДИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САЪЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БўЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МўЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТўҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БўЛДИ.

— Айни кунларда санъат ва musiқа мактабларида ушбу қарор асосидаги истиқболли режалар амалга оширилмоқда, — дейди 23-Болалар musiқа ва санъат мактаби директори Олим Мухиддинов. — Бизнинг таълим муассасамизда бугунги кунда у юзга яқин ўқувчилар таҳсил олмақда. Улар фортепиано, хореография, скрипка, флейта, ўзбек халқ чолғу асбоблари, аъёнани ижрочилик, дуторчилик каби бўлимларда таҳсил оладилар. Келажакимиз эртаси бўлган болаларимизнинг санъат соҳасидаги билимларини мустаҳкамлашлари учун бугунги кунда ўқув муассасамизда барча шарт-шароитлар яратилган. Уларга малакали мутахассис ўқитувчилар сабоқ берадилар. Умид қиламизки, иқтидорли ўқувчиларимиз келгусида жаҳон сахналарида туриб юртимизни мадҳ этадилар. Зеро, болалар санъати ва musiқаси йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар эзгуликка ва яхшиликка хизмат қилади.

КУЙЛАР ЖАРАНГИ ОЛАМИ ТУТСИН

ТўХТАСИН ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ 6-БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САЪЪАТ МАКТАБИДА БўЛИБ ЎТГАН ТАДБИР ШУНДАЙ ДЕБ НОМЛАНДИ.

Тадбирда мазкур ўқув муассасаси ўқувчилари ўзларининг дилрабо куйлари, оханрабо қўшиқ ва рақслари билан кечанинг мазмуни ва мароқли ўтишини таъминлаб бердилар.

— Ушбу тадбир кўркям баҳорнинг кириб келиши муносабати билан ўтказилмоқда, — дейди мазкур мактаб директори Қаҳрамон Раҳматов. — Мактабимизда бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришни аъёнага айлантирганмиз. Чунончи, ўқувчилар ҳар фаслнинг қадрига етмоғи, фаслларнинг аҳамияти, ўрни ва зийнати ҳақида ҳам тўлиқ тушунича эга бўлмоғи лозим. Чунки улар ҳар бир ижро этаётган куйида, қўшиғида ва рақсида аввало муқаддас заминимиз, мусоффо қуёшимиз, юртимизнинг жамики борлигини қалбдан тушуниб, руҳан ҳис этиб бормоқлари жоиздир...

Шунингдек, тадбирда Болалар musiқа ва санъат мактабининг ўқитувчилари ҳам ўз ўқувчиларига ҳамон ҳанг тарзда биргаликда куйлар ижро этидилар. Гуллигор САТТОВА

Анжуманлар

СОҒЛОМ ТУРМУШ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2009 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ «ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ МАРКАЗЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИНИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВЛАРДА СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ АСР ВАБОСИГА АЙЛАНГАН ОИТС-СПИД КАСАЛЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ, УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА БАТАФИҚ МАЪЛУМОТ БЕРИБ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА АМАЛ ҚИЛИШ ЗАРУРЛИГИНИ ҲАҚИДА ТЎШМОҚДА.

шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуқаниев кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда энг долзарб муаммо бўлган ОИТС касаллигининг олдини олиш ва унга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳусусида гапириб, маъзур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад...

республикада олиб борилаётган ислохотлар, жумладан тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишларни халқимизга етказиш, бундан ташқари уларнинг олдида тегишли вазифалар қўйиш, бундай тадбирларни жойларда давом эттириш ва янада кенгроқ доирада татбиқ этиш...

кераклигини таъкидлаб ўтди. — Бизнинг вазифамиз, — деди жумладан И.Абдуқаниев, — Президентимиз Қарорларининг мазмун-моҳиятини халқга тушутириш ва етказиш, бундан ташқари ҳар бир раҳбарга вазифалар топшириш ва уларни амалга оширишда кўмак...

Яқинда Тошкент шаҳар Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан ўтказилган анжуман ҳам худди шу мавзуга бағишланди. «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» деб номланди. Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар ОИТС-га қарши кураш маркази, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда шаҳар прокуратураси ҳамкорликда ташкил этилган уч кунлик семинар-йиғилишида Республика Маънавият тарғибот марказининг шаҳар ва туман вакиллари, «Маҳалла» жамағатининг шаҳар ва туман бўлимлари бошқаруви, «Камолот» ЕИҲ, Урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Касаба уюшмаси шаҳар Кенгаши вакиллари ва бошқалар иштирок этидилар. Йиғилиши Маънавият тарғибот марказининг Тошкент...



РАНГАСВИР ВА МАНЗАРАЛАР УСТАСИ

РАНГАСВИР УСТАСИ, МАНЗАРАЧИ РАССОМ ҲАМ ТАНСИҚБОВЕВ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАН. ҲАМОН ТАКТАБНИ ТУГАТИБ ПЕНЗА РАССОМЛИК БИЛИМ ЮРТИНИ ТУТГАН. СўНГРА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЪЪАТ МУЗЕЙИ ҚОШИДАГИ ТАСВИРИЙ САЪЪАТ СТУДИЯСИДА ТАЪЛИМ ОЛГАН.

Урол Тансиқбоев дастгоҳ ва монументал санъатда тадрихий, маъшиий ва портрет жанрларида асарлар яратди. 1927 йилда «Ўзбек портрети», 1929 йилда «Кураш», «Карвон», 1935 йилда «Сирдарё оқшони», 1940 йилда «Чирчиқ водийсида» каби бетакрор, мутахассислар эътирофиغا сазовор бўлган полотноларни чизди. Унинг ижодиде манзара жанри етакчи ўрин эгаллайди. Урол Тансиқбоев она юртининг бадиий образини яратишда жуда кўп изланишлар олиб борган. Масалан, «Жонажон ўлка», «Тогда куз», «Иссиқкўлда оқшом», «Тогдаги қишлоқ» каби манзарали асарлари муҳим аҳамиятга эга. Урол Тансиқбоев асарлари айни кунларда республика ва хорижий мамлакатлар музейларида ва хусусий тўпламларда сақланади. Рас-

сом 1967-1974 йилларда яшаган уй хозирги кунда Урол Тансиқбоевнинг уй-музейига айлантирилган.

Табият куйчиси, манзаралар устаси, Ўзбекистон халқ рассоми Урол Тансиқбоевнинг ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи суратли ва киноҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивида ҳам сақланмоқда. Архивдаги кино ҳужжатлар орқали Урол Тансиқбоевнинг ижодий фаолияти, асарлари устиде қандай ишланганини кўриш имконияти мавжуддир.

З.ЖАБОРОВА, ҳужжатлардан фойдаланиш бўлими мудири Сурат Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви фондидан олинган.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ: АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБА

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ҲУДУДИЙ ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ПОЙТАХТ МАРКАЗИЙ НАШРЛАРИДА МАЛАКА ОШИРИШИГА ОИД ЛОЙИХАНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ.

кидлашдилар. Журналистларнинг ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, меҳнатини эъзозлаш, касбий билим ва малакасини оширишга қаратилган ёшларнинг уларнинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлаётди.

Бу жараёнда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳақимов ва бошқалар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий матбуотимизни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъ-

публикаси ва вилоятлар босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малакасини ошириш лойиҳаси доирасида ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ижодкорлар ахборот йўналишидаги миллий манфаатларимизни қўлаб-қувватлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, босма нашр махсуслашларининг маркетинги ва менежменти каби масалаларни атрофлича таъриб алашди. Шундан ташқари бу гапга босқичида Андижон ва Қашқадарь вилоятининг босма оммавий ахборот воситалари вакиллари пойтахтимиздаги етакчи газета ва журналлар, интер-

нет нашрларининг фаолияти билан атрофлича танишдилар, миллий матбуотимизга оид янгиликлар, ютуқлар, долзарб масалалар ҳусусида фикр алмашдилар. — Лойиҳа доирасидаги тадбирларда қатнашар эканмиз, бизга юқлатилган масъулият қанчалик жиддий эканлини яна бир қарра ҳис этдик. — дейди «Андижоннома» газетаси муҳбири Зулфия Мансурова. — Ҳақдорликда миллий матбуотимизнинг бугунги ютуқлари, олдимизда турган долзарб вазифалар ҳусусида фикр ва таъриб алашдик. Шундан ташқари ривожланиб бораётган Интернет журналистикасига оид қўлаб янги мумкинотлар билан танишдик.

Назозат УСМОНОВА, ҲАМ МУҲБИРИ

БўШ ИШ ҲАМ ҲАМОН ЯРМАРКАСИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИДА «БИТИРУВЧИ — 2009» МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда танланган ихтисосликлардан келиб чиққан ҳолда республикадаги 60 дан ортиқ иш берувчи корхона ва ташкилотлардан вакиллар иштирок этиди.

Мазлумки, ихтисозлик — бутун дунё олдидаги глобал муаммо. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу масалани ҳал этиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ёш авлоднинг шахсиятида қанчалик еттиш, дунёқарашининг шаклланиши, аввало уларга берилган таълим-тарбия ва ҳар бир ўғил-қизнинг қизиқиши, хоҳиш-истакларига қараб йўналтирилишига боғлиқ. Мамлакатда-

ги мавжуд таълим муассасаларида ўтказилаётган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари ҳам худди шу мақсадга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти сув ҳўжалиги соҳасида нафақат республикада, балки Урта Осиёда ягона таълим маскани ҳисобланади. Ушбу олий ўқув юрти халқ ҳўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб беради. Албатта, битирувчиларни иш билан таъминлаш ўқув муассасаларига ҳам узига хос масъулият қўлайди. — Битирувчи — 2009» амалий анжуман-

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ОЗ-ОЗ ЎЛТАНИБ ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БУСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Тамаъ қилма нодонлардин — қадринг билмас, Зулмат ичра йўл адашсанг, йўлга солмас, Бўйунг кисиб зори қилсанг, кўлунг олмас, Нодонлардин шиква айлаб келдим мано.

Ишқ йўлида жон бергани армони йўқ, Кул Хожа Аҳмад, ишқдин қаттиқ бало бўлмас, Марҳам сўрма — ишқ дардида даво бўлмас.

Кул Хожа Аҳмад, олимларга хизмат қилгил, Олимлар сўзин эшитиб, амал қилгил.

Нафсинг сени, боқиб турсанг, нелар демас.

Нафсинг сени охир дамда гадо қилгай, Дин уйини горат қилиб, адо қилгай, Улар вақтда иймонингдин жудо қилгай, Оқил эрсанг, нафси баддин бўлгил безор.

Кетганларни кўруб, сен ҳам ибрат олгил, Ибрат олсанг, ётмиш еринг бўлур гулзор.

Меҳнат тортиб, жафо чеккан кўрар роҳат.

Хизмат қилган охир мурод топар, дўстлар.

Нафсингни сен ўз раёйига қўйма зинҳор.

Муҳаббатни майдонида жавлон қилган, Ҳақиқатни дарёсидин гавҳар олган, Маърифатни матоъини ичга солган, Юрса-турса дурру гавҳар сочар, дўстлар.

Кул Хожа Аҳмад, нафсдин улуг бало бўлмас, Еру кўқдин тўйма берсанг, ҳаргиз тўймас.

Бу кўнгилни бўстонида ажаб бўстон, Ичинда сайрашурлар ҳазордастон.

Зоҳир неъмат шукрини гофил билмас, Ботиндагин қиёс бирла кўрса бўлмас.

Очиб кўнгил кўзини мушоҳада қилинглар.

Ҳақиқат билмаган одам эмасдур, Билинглар, ҳеч нимага ўхшамасдур.

Муҳаммад айдилар: ҳар ким етимдур, Ҳарини кўрсангиз, доғ этмангизлар.

Эгимни кўрсангиз, оғритмангизлар, Ҳарини кўрсангиз, доғ этмангизлар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

АТОҚЛИ ОЛИМ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, АТОҚЛИ АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИЛМИЙ-АДАБИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.


Президент Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий адабиётни янада ривожлантириш, унинг равнақига катта ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирлар, олимлар хотирасини ёзозлаш, адабий-маънавий меросини навқирон авлодга чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ажойиб инсон, захматқаш олим Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланаётгани бунинг яна бир далилидир.

Ижодкор таваллудига бағишланган тадбирда сўзга чиққан атоқли олимнинг серқирра ижодини чуқур ўрганиш, маҳорат сирларидан сабоқ олиш ёш авлоднинг адабиётшуносликка оид билимларини бойитишда, маънавий камолотида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлашди.

—Озод Шарафиддинов деганда кўз олдимизда буюк олим, атоқли адабиётшунос, истеъдодли ёзувчи, меҳрга ташна инсон, фидойи устоз гавдаланади. — деди Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаров. — Устозимиз ўзбек адабиётининг ривожига улкан ҳисса қўшган адабиётшунослар. Олимнинг адабий таъкидчиликдаги фаолияти, яратган бадиий асарлари нафақат бугунги авлодга, балки келажак авлодга ҳам асарлар давомида хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тадбирда сўзга чиққан филология фанлари доктори Умарали Норматов, адабиётшунос олимлар Наим Каримов, Абдуғофур Расулов, Муҳаббат Шарафиддинова, ёзувчилар Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўткир Хошимов, Эркин Аъзамовлар адабнинг ижод ва ҳаёт йўли, серқирра асарлари, етук олим ва меҳри устоз сифатида қолдирган эзгу амаллари ҳақида батафсил сўзлаб беришди.

Тадбир сўнгида Озод Шарафиддинов ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма намойиш этилди. **Рустам ХАЙДАРОВ,** «Туркистон-пресс»



Қуни кеча шаҳримиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» деб номланган кўргазмада бир гуруҳ иқтидорли ёш рассомларнинг асарлари намойиш қилинди. Кўргазмадаги ҳар бир асар ўзига хос услуб ва йўналишларда яратилган бўлиб, уларни томоша қилганингиз сари гўзаллик оламига, эзгуликлар дунёсига, тарихнинг ўтмишдаги саҳифаларига, буюқлар сиймоси, халқ қаҳрамонлари тасвирланган миниатюра жирида яратилган асарлар орқали гўзал бир санъат ола-

Кўргазмалар

МИНИАТЮРА АНЪАНАЛАРИ

МИНИАТЮРА САНЪАТИ—ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ МЕРОСИНING ЭНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИДАН БЎЛИБ, УНИНГ РИВОЖИ ВА ЮТУФИ МАМЛАКАТИМИЗ МАДАНИЯТИ ХАЗИНАСИНИ БОЙИТВЧИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТУРЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛанади.

Ижодкорлар томонидан қўлланилади. Улар миниатюра санъати устозлари Чингиз Аҳмаров, Абдувоҳит Қамбаров, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Ниёзали Холматов ва Абдуҳаким Каримовларнинг аъёналари бунинг давом эттириб, бадиий ифода воситаларини ўз ижодий индивидуалликлари билан уйғунлаштиридилар ва шу орқали ўз услубларини топишга интиладилар. Мазкур кўргазмада эса ёш бўлишига қарамай танилб улгурган, кўпгина шогирдларни тарбиялаган рассомлар асарлари намойиш қилинмоқда. Муаллифларнинг кўпчилиги республика ва чет мамлакатларда ўтказилган кўргазмалар иштирокчилари. Айримлари учун бу кўргазма дебют бўлади ва илк бора томошабинларга ижодий асарларини тақдим этмоқдалар.

Кўргазманинг асосий мақсади эса Ўзбекистон ёш миниатюрачиларининг ҳозирги ижодида аъёнани ва ютуқларни кўрсатишдан иборатдир. Кўргазма орқали бугунги кунда рассомларнинг ёш авлоди қандай ижод қилаётганлиги, уларнинг қизиқишлари, қўлаётган услуб ва аъёналари ва ижодий изланишлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Қатнашчиларнинг бирини давом эттириб, бадиий ифода воситаларини ва классик шакллари ни изласа, бошқалари аъёнани уюштурушлари қўлаб, янгилик ва замонавийликни таллади.

Дарҳақиқат, кўргазмани томоша қилганингиз сари бугунги кун ёшларининг иқтидорлари ва имкониятлари нечоғли кенглигидан шодланасиз. Кўргазмада Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежи хазинасидан танланган асарлар ҳамда муаллифлик ишлари намойиш этилмоқда.

Ёш рассомлар кўргазмаси 10 мартга давом этади. **Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА:** кўргазмадан лавҳа **Алексей Попов олган сурат**

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ДОИР ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиш тақиқлангани, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳақида ҳоҳида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани амалда ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнда қабул қилинган «Автомобил транспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу ишларнинг мантйқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжат автомобил транспорт воситалари миллий давлат рақами белгиларининг халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, бу ишнинг рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишининг электрон тизими билан бирга олиб бориш, шунингдек қалбақлаштириш ва улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинди. Унга мувофиқ автомобил транспорт ва уларнинг тиркамалари, ярим тиркамалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини тақдирланди ва ҳозирги кунда аксарият автотранспорт воситаларида бунинг амалий ифода-

сини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида соҳада амалга оширилаётган ишларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди. Ички ишлар вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Сатторовнинг айтишича, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар юрдошларимиз манфаатига хизмат қилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар натижасида йўл - транспорт ҳодисалари ва оғир тан жароҳати олиш ҳолатлари

йилдан-йилга камаймоқда.

Шу билан бирга, транспорт воситалари эгалари жорий қилинаётган қонун-қоидалар моҳиятини чуқур англаб етмай қоидабузарликка йўл қўяётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, 2008 йил давомида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан тўрт миллиондан ортиқ қоидабузарлик ҳолати аниқланди. Бундан ташқари, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган рейдларда техник носоз, рухсатсиз қайта жиҳозланган, лицензиясиз ва бошқа шу каби камчиликлар билан транспорт воситаларини бошқарётган ҳайдовчилар аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чора қўрилди.

Матбуот анжуманида журналистлар соҳага оид ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

ХАЛҚИМИЗДА: «ҲАРОМДАН ҲАЗАР» ДЕГАН НАҚЛ БОР. КЎПЧИЛИК УЧУН БУ СЎЗЛАР ҲАЁТИЙ ШИОР, ТЎҒРИРОҒИ, ИНСОННИНГ ИЧКИ ҚИЁФАСИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН, УНИ БОШҚАЛАРДАН ФАРҚЛАБ ТУРАДИГАН «МЕН»ЛИК ҲИСОБЛАНАДИ. АММО БЕШ БАРОҚ БАРОҚ ЭМАС, КИМДИР УНИНГ МАЎЗИНИ ЧАҚА ОЛМАЙ, ТАҚДИРНИНГ АЯНЧИ СЎҚМОҚЛАРИДА САРСОН-САРГАРДОН БЎЛАДИ.

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

ТОВЛАМАЧИ ТЎРГА ТУШДИ

Соҳир Зокиров (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилди) ана шулардан бири. У муқаддам ўғирлик содир этиб жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2004 йил 18 августдаги ҳукмига қўра, ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми «б, в, г» бандлари билан айбдор деб топилиб, амниятига тўғайли жазодан озод қилинган бўлишига қарамастан тақдоран жиноятлар содир этган.

— Сизга тегишли мол гуштарини сотиб берман, — дея ишончига қиради ва умумий баҳоси 1.609.800 сўмлик гушт маҳсулотларидан тушган даромадларини ўз фойдасига «ҳазм» қилиб юборди.

— Арзон нарҳда икки бош қорамол чикиб қолди. Уларни сотиб олиб, сўнг сўйиб сотаман, — дея Ерматовнинг ишончига қиради. Соҳир ундан 600.000 сўм пулни олади ҳамда ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

У ўзининг жиний хатти-ҳаракатларини фаол давом эттириб, 2007 йил апрель ойида фуқаро Маъмура Бозоровга: — Молингизни сўйиб сотиб, пулларини бирикки кун ичиде олиб келиб берман, — дейди ва баҳоси 500.000 сўмлик

боғлик барча тафсилотлар суд мажлисида кўриб чиқилди. Хуусан, судланувчи Соҳир Зокировнинг биринчи эпизод билан боғлиқ жиний хатти-ҳаракатлари юридик квалификациясига баҳо бериб, унинг фирибгарлик сифатида ЖКнинг 168-модда 1-қисми, шунингдек, айбловнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи эпизодлари ҳам тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб ҳисобланади.

Шулардан келиб чиқиб суд Соҳир Зокировни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» бандлари билан айбдор деб топди ва тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Бундан ташқари жабрланувчилар — Мурод Ерматовга 330.000, Эркин Ҳамидовга 834.000, Иброҳим Отаназаровга 1.450.000, Маъмура Бозорова фойдасига 400.000 сўм миқдоридеги моддий зарар судланувчидан ундириладиغان бўлди.

Ҳамро БЕРДИҚИЛИЧЕВ, жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман суди судьяси, Хидирали ПАНЖИЕВ, журналист.

Футбол

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ САККИЗ СТАДИОНИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН XVIII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 1-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ.

Мамлакатимизнинг саккиз қарра чемпиони «Пахтакор» ўзи майдонида Бухоронинг «Бухоро» жамоасини қабул қилиб Аҳмедов, Миллодиновчи ва Каримовлар томонидан киритилган голлар эвазига 3:0 ҳисобида ғалабага эришди.

Шуниси қувонарлики, шаҳримиз шарафини ҳимоя қилаётган амалдаги чемпион «Бунёдкор» ва «Локомотив» жамоаларига ҳам ушбу турда омад қилиб боқди.

Андижонда «Андижон» командаси меҳмони бўлган «Локомотив» жамоаси Иброҳимов томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ағона гол эвазига сафарда муҳим уч оқкони қўлга киритган бўлса, Самарқандда «Ди-

намо» жамоасига қарши тўп сурган «Бунёдкор» ҳам мезбонларни кичик 1:0 ҳисобида енгишга муваффақ бўлди. «Бунёдкор» муҳлисига қувончи оларни ҳаёт этган ягона голни бразилиялик легионер Виктор Жоа йўлади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Шўртан» — 4: 2; «Навбахор» — «Олмалик» — 0:0; «Металлург» — «Хоразм» — 0:1; «Сўғдиёна» — «Машъал» — 1:0; «Қизилқум» — «Нефтчи» — 2:1.

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг 2-тур баҳслари 5,6,7-март кунлари ўтказилади. **(Ўз мухбиримиз)**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеа ўтказиладиغان оқк аукцион савдосига тақлиф этилди!

1. 2009 йил 7 апрель кунин соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд икрончилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда.

1. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги ЖК-1-88/2006-сонли икром варақасига асосан хатланган, ХЕАТ «Парвисаба» Тошкент шаҳар филиалига тегишли бўлган қуйидаги — Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Чилонзор маҳалла 24-дахаси, 31-уй, 31-хонадон, 2 хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 27 266 028 сўм.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, 1-даха, Лисунов кўчаси, 115-уй, 54-хонадон, 1 хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 21 395 477,8 сўм.

Тошкент шаҳар Юнусов тумани, Низомий кўчасидаги 12-уй, қурлицидиган қўйилмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 402 591 987 сўм. 2. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд икрончилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.12.2008 йилдаги ЖК-1-481/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, ХЕАТ «Парвисаба» Тошкент шаҳар филиалига тегишли бўлган қуйидаги — Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Чилонзор маҳалла 24-дахаси, 31-уй, 31-хонадон, 2 хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 27 266 028 сўм.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, 1-даха, Лисунов кўчаси, 115-уй, 54-хонадон, 1 хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 21 395 477,8 сўм.

Тошкент шаҳар Юнусов тумани, Низомий кўчасидаги 12-уй, қурлицидиган қўйилмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 402 591 987 сўм. 2. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд икрончилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.12.2008 йилдаги ЖК-1-481/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, ХЕАТ «Парвисаба» Тошкент шаҳар филиалига тегишли бўлган қуйидаги — Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Чилонзор маҳалла 24-дахаси, 31-уй, 31-хонадон, 2 хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 27 266 028 сўм.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, 1-даха, Лисунов кўчаси, 115-уй, 54-хонадон, 1 хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 21 395 477,8 сўм.

Тошкент шаҳар Юнусов тумани, Низомий кўчасидаги 12-уй, қурлицидиган қўйилмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 402 591 987 сўм. 2. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд икрончилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.12.2008 йилдаги ЖК-1-481/2008-сонли икром варақасига асосан хатланган, ХЕАТ «Парвисаба» Тошкент шаҳар филиалига тегишли бўлган қуйидаги — Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Чилонзор маҳалла 24-дахаси, 31-уй, 31-хонадон, 2 хонадан иборат турар жой. Бошланғич баҳоси — 27 266 028 сўм.

«Тошкент оқшомини» Эълонлар қабул қилинади

Телефон: 233-28-95

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ. Буюртма Г - 206.

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4694 нусxada босилди. Қозғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6